Туркистон илгари ўз замонасига кўра маданиятга эга эди. Ўша даврда Туркистон хукмдорлари, уламолар ва зиёлилар маданий-маърифий ишга жиддий ахамият берар эдилар, хар бир киши халк маориф ишига бор нарсаси билан ёрдам беришни савоб деб биларди. Ана шунинг учун Туркистонда улкан мадрасалар, мактаблар, кутубхоналар ва корхоналар тогдек кад ростлаган эди. Хар бир киши ўкитувчи ва ўкувчиларни моддий таъминлаш учун вакф таъсис этар, бунинг учун ўз ерлари, саройлари, дўконлари ва умуман бериши мумкин бўлган барча нарсаларини ўкув юртларининг тўлик мулки килиб берарди. Шу боис мударрис ва талабалар вакф томонидан таъминлангани сабабли ўша даврда хеч нарсага мухтожлик сезишмаган, хозирги интернат ва стипендиянинг ўрнини босгани учун ўзларини маданият ва маориф ишига багишлаган эдилар. Ана шу химоя остида буюк олимлар, профессорлар ва файласуфлар вояга етган. Хатто катта шахарлардаги, хусусан, Самарканд, Бухоро, Кўкон, Тошкентдаги ва айрим кишлоклардаги улкан мадрасалар хамда уларнинг колдиклари, Самаркандда Мирзо Улугбек томонидан курилган обсерватория биноси маданият ва маориф ўша пайтда канчалик юксак бўлганига гувохлик беради. Уша пайтдаги тараккиётга вакфлар сабаб бўлган. Вакфлар факат рухоний предметларни ўргатиш учунгина таъсис этилмас, балки умумтаълим фанларини ўкитиш учун таъсис этилган. Диний таълим хам, худди рус мактабларидаги каби, умумий фанлар ва предметлар катори, мустакил предмет сифатида киритилган.

Кейинги вактларда Туркистонда содир бўлган урушлар окибатида, хонларнинг хукмронликка интилишдари, турли боскинчиларнинг хужумлари туфайли маданият-маърифат ривожи тўхтаб колди, баъзи олим, уламолар табиий равишда вафот этдилар, бошкалари турли мамлакатларга кўчиб кетдилар. Кадимги маданиятни эслатувчи мадраса ва вакфлар хозиргача саклаб колинди. Хар кандай маданиятли халкнинг хукумати мадрасаю вакфларни омиллик билан бошкариш оркали давлат газнасига зарар келтирмай ушбу мадраса ва маориф даражасини кўтариши хамда ўкув ишини тўгри йўлга кўйиши мумкин эди. Аммо Туркистон, туркий халкларининг бахтсизлигига кўра, эски рус хукуматлари томонидан забт этилди ва халкнинг маданий-маърифий масалалари ўзга колипга солинди. Эски рус хукумати махаллий халкларни руслаштириш максадини таъкиб этганп боис маданият-маърифат излари Туркистон тупрогидан тамом йўколди.

Победоносцев, Ильминский ва Остроумов сингари миссионерларнинг назорати остида ва уларнинг ташаббуси билан энг йирик вакфлар газна фойдасига тортиб олинди; мадрасалар хамда мактабларда факат соф диний характердаги фанлар колди; халк учун зарур бўлган фанлар, хусусан, жўгрофия, математика, физика ва бошка амалий фанлар бутунлай манъ этилди ва бу фанларни махфий ўргатувчи ўкитувчилар гўё инкилобчи каби таъкиб остига олинди ёки панисломчи сифатида огир жазоларга тортилди. Янги мадраса ва мактаблар солиш, эскиларини таъмирлаш катъий манъ

килинган эди. Шунингдек, маданий-маърифий ишларга хизмат килувчи янги вакфларни таъсис этиш хам манъ этилган бўлиб, умумтаълим фанларини ўрганишни истовчилар рус тилини билиш ва билмаслигидан катъи назар, бу фанларни рус тилида ўрганишлари шарт эди. Эски рус хукуматларининг халк маорифига нисбатан бундай сиёсати тимсолини кўрган Туркистон турк халкдари ўз маданият-маорифларининг колганини асраш учун, маданият ва маърифат ўчоги бўлган мактаб ва мадрасаларини саклаш учун уларни соф диний таълим-тарбия учун мўлжалланган муассаса деб, вакфларни эса рухоний институтларни ушлаб туришга хайрия максадида таъсис этилган муассаса, деб кўрсатишга мажбур эдилар.

Шундай килиб, халк диний таълимни ўрганиш пардаси остида мадраса ва мактабларда динга умуман алокаси бўлмаган форс ва араб тилини, юнон фалсафасини ўрганарди. Нихоят, 40—50 йил мобайнида умумтаълим фанларини ўкитувчи олим мударрисларнинг биронтаси колмай ўлиб кетдилар, уларнинг ўрнини умумтаълим фанлари ва рухоний таълимотга эга бўлмаган, мадраса, мактаб ва вакфларнинг ташкил этилиш тарихини ва вазифасини билмаган, чор хукуматининг кўрсатилган сиёсати таъсирида тарбияланган мутаассиб муллолар эгаллади. Улар халкнинг ушбу ўкув юртларини чор хукуматининг тазйикидан омон саклаб колиш максадида, айтилган ўкув юртларини хий-лага ўтиб, диний характердаги муассаса, деганларига шубха хам килмасдилар. Окибатда мутаассиб муллолар мадраса ва мактаблар хакикатда хам халкнинг диний эхтиёжини кондириш учун мўлжалланган экан, деб чиппа-чин ишондилар. Мазкур муллолар ўзларининг янглиш фикрларини кенг халк оммасига ёйиб, тарката бошладилар. Шу боис халк ва муллоларнинг ўзлари мадраса ва мактаб хамда вакфларни диний ва хайрия характеридаги муассаса, деб хисоблай бошлаганлар.

Узгаришдан сўнг сиёсат хам бошка томонга айланди, аммо эски ва янглиш фикр муллолар орасида хам, халк орасида хам йўколмади, хатто хокимият тепасида турган баъзи ўртоклар вакфни факат халкни диний ва хайрия эхтиёжларини кондирувчи муассаса хисоблаб, ўз лойихаларини ўша рухда тузмокдалар.

Юкорида баён этилганлардан маълум бўляпти:

1. Вакфлар хайрия ва диний эхтиёжлар учун эмас, балки халкнинг маданият ва маърифатини юксалтириш учун таъсис этилган.

2. Туркистон халкларининг миллий мактаб ва мадрасалари — умумтаълим фанлари ва

санъат манбаидир.

3. Миллий мактаб ва мадрасаларни диний бўёкка бўяш эски чор хукуматининг сиёсатига асосланган бўлиб, халкни руслаштириш хамда туркий кавмлар маорифига йўл бермаслик сиёсатини талаб этади.

4. Ана шунга кўра туркий халклар кенг омма орасида айтилган муассасалар диний характерга эга, деган янглиш фикрдан кутула олмаяптилар.

Баён этилган шароитга кўра, бир томондан, кенг омманинг рухий кайфияти билан хисоблашиш, иккинчи томондан, вакф масаласини керакли йўлга кўйиш чораларини кўриш зарурияти тугилмокда. Вакфлардан тушаётган даромадлар ва хукумат курилиш хамда бошка ўзгаришлар тарзида бераётган ёрдам хамда ўкитилаётган фанларнинг ўкитиш профаммасини ўзгартириш оркали мавжуд минглarча мактаб ва мадрасаларни хозирги огир ахволдан куткариб, уларни диний муассасадан маданий-маърифий манбага айлантириш максадга мувофикдир.

Ушбу масалаларни хал килиш максадида Маориф халк комиссариати кошидаги Турк шўъбаси уламолар ва мехнаткаш зиёлилар билан хамкорликда бир неча марта мажлислар ўтказди ва мазкур лойихани такдим этиш тўгрисидаги хулосага келди.

*(Туркистон Республикаси халк маорифи бўлимлари мудирларининг 1920 йил 30 июнда ўтган съездидаги нутк.) (Русчадан таржима.)*